

**Марказий банк томонидан “Молиявий саводхонлик  
бўйича кейс-чемпионат”ни ўтказиш  
ҚОИДАЛАРИ**

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу ҳужжат молиявий саводхонлик бўйича ўтказиладиган кейс-чемпионатни (бундан буён матнда – Кейс-чемпионат) ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солади.

1.2. Кейс-чемпионат ёшлар эътиборини молиявий саводхонликка жалб этиш мақсадида Марказий Банк томонидан интеллектуал мусобақа тарзида ўтказилади.

1.3. Кейс-чемпионат Finlit.uz веб-сайтида кейс-масалаларни жойлаштириб бориш орқали ўтказилади.

1.4. Кейс-чемпионат – бу белгиланган муддат ичида маълум бир гуруҳ учун мослаштирилган бизнес муаммо (кейс) ларга иштирокчилар ўз жамоаси билан келишган ҳолда ечим таклиф этадиган беллашув ҳисобланади.

1.5. Кейс-чемпионатда молиявий саводхонлик бўйича интеллектуал беллашувларда максимал балл тўплаган ғолиблар аниқланади.

**2. КЕЙС-ЧЕМПИОНАТ МАҚСАДИ**

Кейс-чемпионат мақсади талабаларнинг молиявий саводхонлик, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим ва тадқиқот йўналишидаги ишларини рағбатлантиришдан иборат. Шу орқали кўйидаги масалалар ўз ечимини топади:

- олий ўқув юрти талабалари ўртасида молиявий саводхонликни тарғиб қилиш ҳамда уларнинг молия соҳасидаги билимларини ошириш;
- молиявий саводхонлик соҳасида талабаларнинг кўникмаларини ҳосил қилиш.

**3. КЕЙС-ЧЕМПИОНАТ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

Кейс-чемпионат ташкилотчилари:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки – Молиявий саводхонликни ошириш ва банк мутахассисларини қайта тайёрлаш департаменти;
- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

#### **4. КЕЙС-ЧЕМПИОНАТ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

Ушбу чемпионат олий таълим муассасалари 1-4 босқич талабалари ўртасида ўтказилади.

Кейс-чемпионатга 3-5 кишидан иборат талабалар жамоаларидан аризалар қабул қилинади. Жамоа таркибини иштирокчилар мустақил белгилайди. Жамоалар ўзларига мустақил равишда ном ўйлаб топишлари ҳамда ушбу номни аризада кўрсатишлари лозим.

Кейс-чемпионатда иштирок этиш учун белгиланган тартибда онлайн-ариза тўлдириш лозим бўлади. Онлайн-ариза учун ҳавола Кейс-чемпионат анонсида жойлаштирилади.

Онлайн-ариза талабалар жамоаси лидери томонидан бир маротаба юборилади. Талабалар фақат бир жамоа таркибида иштирок этишлари мумкин.

#### **5. КЕЙС-ЧЕМПИОНАТНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Finlit.uz веб-сайтига 8 ой мобайнида ҳар ой 2 та кейс-масалалар жойлаштириб борилади (жами 16 та кейс).

Кейс-чемпионат ташкилотчилари томонидан тематик кейс-масалалар ишлаб чиқилади.

Кейслар жойлаштирилган куни рўйхатдан ўтган ва шакллантирилган иштирокчилар қаторига кирувчи жамоаларга электрон хабар юборилади ва кейинги 7 кун ичида жамоалар кейс бўйича жавобларини кейс-чемпионат электрон манзилига ҳужжат ёки тақдимот кўринишида юборишлари лозим бўлади.

Кейс жавоблари бўйича тақдимот ёки ҳужжат асосида экспертлар жамоаси ёпиқ йиғилиш ўтказади ва баҳолайди.

Ҳар бир кейс жавоблари бўйича finlit.uz веб-сайтида якуний жадвал юклаб борилади. Жадвалда жамоалар тўплаган балларига асосан камайиб бориш тартибида жойлаштирилади.

#### **6. КЕЙС-ЕЧИМЛАРНИ БАҲОЛАШ**

Кейс жавоблари экспертлар ва ташкилотчилар томонидан қуйидаги мезонларга асосан 25 баллик шкалада баҳоланади:

- жавоб мазмуни;
- таҳлилнинг пухталиги;
- ечим тузилмаси ва мантиқий кетма-кетлик;
- жавобнинг оригиналлиги/инновационлик;

- креатив ёндашув.

Турнирда энг кўп балл тўплаган жамоа Кейс-чемпионат ғолибига айланади.

## **7. КЕЙС-ЧЕМПИОНАТ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ ВА ЭКСПЕРТЛАР ЖАМОАСИ**

Кейс-чемпионат ташкилий қўмитаси таркиби Марказий банк ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ходимларидан иборат бўлади ва қуйидагиларни амалга оширади:

- иштирокчилар аризаларини қабул қилиш;
- ҳар бир кейс бўйича баҳолаш мезонларини аниқлаш ҳамда жавобларнинг текширувини ташкиллаштириш;
- Кейс-чемпионатни олиб бориш қоидаларига ва шартларига амал қилиниши устидан назорат ўрнатиш;
- Кейс-чемпионат ғолибларини тақдирлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Кейс-чемпионат тўғрисида доимий ахборот бериб бориш.

Кейслар бўйича жавобларни текшириш учун Ўзбекистон Марказий банки ходимлари ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети вакилларида иборат экспертлар гуруҳи ташкил этилади.

Кейс-чемпионат ташкилий қўмитаси 4-бандда кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган шахсларни огоҳлантиришсиз иштирокчилар рўйхатига киритмасликка ҳақли.

## **8. КЕЙС-ЧЕМПИОНАТДА ИШТИРОК ЭТИШГА РОЗИЛИК ҲАМДА ИШТИРОКЧИЛАРДАН КЕРАКЛИ ТАСДИҚЛАР**

Кейс-чемпионат жараёнида иштирокчилар ҳақида олинган маълумот ва улар томонидан юборилган ишлар ташкилотчи ва учинчи шахслар томонидан ахборот ва ҳисобот бериш мақсадида, шунингдек Кейс-чемпионат бош мақсадини амалга оширишда (танлов жараёнларини эълон қилиб бориш мақсадида [khisoz.uz](http://khisoz.uz) веб-сайтида, Марказий банк ижтимоий тармоқларида, молиявий саводхонлик бўйича [finlit.uz](http://finlit.uz) веб-сайтидаги матбуот релизларида) молиявий саводхонлик ва молиявий хизматлар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига омма эътиборини жалб қилиш учун исталган шаклда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун иштирокчига қўшимча ҳақ тўланмайди ва улардан рухсат олинмайди.

Кейс-чемпионатда иштирок этиш иштирокчининг Кейс-чемпионат қоидаларида белгиланган шартларни ўқиб чиққанлигини ва уларга рози эканлигини англатади.

Кейс-чемпионат ташкилий қўмитаси Кейс-чемпионат иштирокчилари ҳақидаги қисман ёки тўлиқ маълумотларни нашр қилишга ва иштирокчилар томонидан бажарилган ишлардан тадқиқотлар олиб бориш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**Кейс-чемпионат турнири ғолиблари учун совға: Марказий банкда 3 ойлик амалиёт ўташ**

## **9. АРИЗАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

Кейс-чемпионат иштирокчилари Finlit.uz сайтидаги ҳавола ёрдамида рўйхатдан ўтишади.

Саволлар бўйича қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилиш мумкин:  
+99871 212-73-56;